ДОРБОЗНИНГ БАХТИ

Дорбоз Тошканбоевлар оиласи: (чапдан ўнгга) Донохон, Алишер, Эркин, Обидака, Жума ва Мамлакатхон.

Тошканбой Эгамбердиевнинг номи республикамиздагина эмас, бепоён мамлакатимизнинг барча ерида машҳур. Неча минглаб санъат ишқибозлари унинг дор ўйинларини зўр ҳаяжон билан томоша қилганлар. Довюраклигига офаринлар ўқиганлар.

Кеча шаҳримиздаги цирк биносида ана шу машҳур дорбоз, РСФСР ва Узбекистон ССР халқ артисти Тошканбой Эгамбердиевнинг 100 йиллик юбилейи нишонланди. Шу муносабат билан мухбиримиз Тошканбой отанинг кенжа ўғли, Узбекистон ССР халқ артисти, ўзбек цирк труппасининг бадиий раҳбари Обиджон Тошканбоев билан суҳбатлашди. Обиджон ака отаси ҳақида қуйидагиларни ҳикоя қилиб берди.

* * *

Отам Тошканбой Эгамбердиев 1866 йилда Асака қишлоғида дунёга келган. Унинг отаси ҳам машҳур санъаткор бўлиб, эл орасида Ҳожи дорбоз деб ном чиқарган. Айтишларича, бувамнинг ота-боболари ҳам дорбоз ўтган экан.

Бувам ўғли Тошканбойнинг ўзи каби дорбоз бўлишини истабди. Бола беш-олти яшар бўлганида бир ярим метр баландликка симдор тортиб, унга чиқарибди. Тик туриш, юриш, симга ўтириб олиб, оёқ силкитиш қоидаларини ўргатибди. Отам биринчи марта етти яшарлигида дорга чиққан экан. Бу даврда санъаткорларнинг аҳволи ниҳоятда оғир бўлиб, дарбадарликда кун кўришга маҳкум этилганди. Бобом билан отам ҳам шу таҳлидда тирикчилик ўтказишибди.

Отам 18 га кирганида бобом вафот этибди. Оқибатда, рўзғор ташвиши батамом отамнинг бошига тушибди.

Уша пайтларда Асакада сайиллар бўлиб турар экан. Шундай сайилларнинг бирида кузалик машҳур дорбоз Йўлдош бобонинг ўғли Мадамин дорбоз симдорда ўз санъатини намойиш қилибди. Отам Мадамин дорбознинг санъатига беҳад мафтун бўлиб қолибди ва унинг тўдасига қўшилибди. Кўп ўтмай ўзи ҳам моҳир симбоз бўлиб етишибди.

Тошканбой дорбоз 1908 йилда ўз тўпи билан Тошкентга келган ва аҳолига ажойиб томошалар кўрсатган....

Отам ўз ҳунарини шогирдлари Деҳқон, Хотам ҳамда акам Қодиржонга ўргата бошлади. Кейинчалик акам Шокиржон билан мен ҳам унинг қаторига кирдик.

Кўплаб бева-бечоралар сингари ўтмишнинг жабру жафоси жонидан ўтган отам Тошканбой буюк Октябрь инқилобини беҳад хурсандчилик билан кутиб олган. Уз бош бўлган дорбозлар труппаси билан Совет ҳокимиятини мустаҳкамлашдек шарафли ишда фаол иштирок эта бошлаган. Бу труппа халққа ўйин кўрсатиш билан кифояланмай, ташвиқот-тарғибот ишлари билан ҳам шуғулланар, ўйинни бошқариб борувчи билан дорбоз ўртасидаги диалогларда босмачилар, реакцион руҳонийларни кулги остига олар эди.

Биринчи ўзбек президентимиз Йўлдош ота Охунбобоев санъатни жон-дилидан севган одам эди. У киши митинг ва ё бирор катта йиғин ўтказиладиган бўлса, энг аввал ўша ерга дор тиктирар экан. Бу вазифа кўпинча Тошканбой дорбоз ва унинг шогирдларига топширилларди.

Йўлдош ота Охунбоев Тошканбой дорбоз ва унинг санъатини бениҳоя қадрларди. Дорбозларга доимо яхши шароит яратиб бериб келган. Отам умрининг охирги кунларигача ҳам Йўлдош Охунбобоевнинг номини чексиз ҳурмат билан тилга оларди.

Қадим пайтларда Тошкентнинг Чопонота, Кўкча, Ракат, Бедабозор, Ачават ва бошқа ерларида катта сайиллар бўлар, отам ўз шогирдлари билан дор тикиб томоша кўрсатарди. Мен ҳам ана шундай сайилларнинг бирида Ачаватда 8-9 ёшларимда биринчи марта дорга чиққанман.

Йигирманчи йилларда отам бош бўлган дорбозлар труппаси ҳар ерҳар ерда ана шундай томошалар кўрсатиб юрди. 1930 йилда отам Қодиржон, Шокиржон акаларимни, мени ҳамда шогирдларини қаторига олиб, Ўзбек Давлат музика, эстрада ва цирк бошқармасига ишга кирди. Бундан беҳад мамнун бўлган отам ва унинг шогирдлари ўз репертуарларини янгиянги номерлар билан бойита бордилар. Шокиржон акам билан иккимиз қўш чиғирикда маҳоратларимизни намойиш қилардик. Қодиржон акам якка чиғириқда, отам бўлса симдорда ўйнарди.

1935 йили бизга Москвадан хуш хабар келди: труппамизни совет цирки Марказий бошқармаси Москвага таклиф қилган эди. Беҳад мамнуният билан у ерга етиб бордик. Москвада кўрикдан яхши ўтганимиздан кейин бизни Ленинградга юборишди. Ленинградда атоқли цирк усталари бизга йўл-йўриқлар кўрсатдилар. Ана шу ерда «Дорбозлар» аттракциони майдонга келди ва труппамиз ўз тарихида биринчи марта ёпиқ цирк биносида маълум бир программада томошалар кўрсата бошлади. Шундан кейин коллективимиз Совет Иттифоқи бўйлаб сафарга чиқди. Бу Тошканбой Эгамбердиев бошлиқ ўзбек дорбозларининг зафарли юриши бўлди, десам янглишмайман. Санъатимиз ҳамма ерда зўр олқишга сазовор бўлди. Шундай қилиб, бу даврда ўзбек дорбозларининг шон-шуҳрати беполён мамлакатимизга таралди.

Тошканбой дорбознинг меҳнатлари зое кетмади. Унга 1937 йили «Меҳнат қаҳрамони» унвони берилди. 1939 йилда эса РСФСР ҳамда Узбекистон ССР халқ артисти деган шарафли унвонларга сазовор бўлди. Бора-бора унинг кўксида Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени, «Ҳурмат Белгиси» ордени, қатор медаллар порлади. Бу бир камтарин ўзбек дорбозининг чинакам бахти эди.

Отам Тошканбой Эгамбердиев энг сўнгги марта 1953 йилда Москва циркида дорга чиқди. Бу вақтда у 87 баҳорни кўрган эди.

Машҳур дорбоз Тошканбой Эгамбердиев 1963 йилнинг декабрида туғилган юрти Асакада вафот этди. Йўқ, у ўлмади. Биз фарзандлари, шогирдлари у бошлаган ишни шону шараф билиб давом эттираётирмиз.

Отамиз Тошканбой Эгамбердиевнинг 100 йиллик тўйи ўзбек санъатининг катта тўйидир.



Суратда: Узбекистонда хизмат кўрсатган артист Обид Тошканбоев бошлиқ дорбозлар дор устида энг мураккаб номерни ижро этаётирлар.

М. Нуриддинов фотолари.

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ҚИШКИ КАНИКУЛЛАРИ КУНЛАРИДА

Тошкент шаҳрининг кинотеатрларида кўрсатиш учун кичик ва ўрта ёшдаги болаларга мўлжалланган фильмларни экранларга чиқаради

БУ КУНЛАРДА ҚУЙИДАГИ ФИЛЬМЛАРНИ КЎРИШ МУМКИН

САНЪАТ САРОЙИ

30—31/XII — Эртакка ўхшаган воқеа.
1—2/I — Чакалакзор бўйлаб.
5—7/I — Юкли сайёҳ.
8—10/I — Партизанлар каккуси.

«ЧАЙКА» кинотеатри

30/XII—1/I Эртакка ўхшаган воқеа.
2—4/I — Юкли сайёҳ.
5—7/I — Чакалакзор бўйлаб.
8—10/I — Ўйин.

НАВОИЙ номли кинотеатр

30—31/XII — Эртакка ўхшаган воқеа.
1—2/I — Ўйин.
3—4/I — Болалар тўғрисида ҳикоя.
5—6/I — Невара йўқолди. Тўплам.
7—8/I — Шатакка олинган қиз. Тўплам.
9—10/I — Чакалакзор бўйлаб.

«ЎЗБЕКИСТОН» кинотеатри

30—31/XII — Ўйин 81-Тўплам.
1—2/I — Эртакка ўхшаган воқеа.
3—4/I — Чакалакзор бўйлаб.
5—6/I — Шатакка олинган қиз. Тўплам.
7—8/I — Болалар тўғрисида ҳикоялар.
9—10/I — Невара йўқолди.

«ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» номли кинотеатр

30—31/XII — Чакалакзор бўйлаб.
1—2/I — Шатакка олинган қиз. Тўплам.
3—4/I — Эртакка ўхшаган воқеа.
5—6/I — Ўйин.
7—8/I — Невара йўқолди. Тўплам.
9—10/I — Юкли сайёҳ.

«СПУТНИК» кинотеатр

30—31/XII — Невара йўқолди.
1—2/I — Болалар тўғрисида ҳикоя.
3—4/I — Эртакка ўхшаган қизиқ воқеа.
5—6/I — Максимнинг ёшлиги.
7—8/I — Максимнинг қайтиши.
9 — 10/I — Виборг томони.

«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» кинотеатр

30—31/XII — Шатакка олинган қиз.
1—2/I — Невара йўқолди.
3—4/I — Эртакка ўхшаган воқеа.
5—6/I — Бодалар тўғрисида ҳикоя.
7—8/I — Партизанлар каккуси.
9—10/I — Юкли сайёҳ.

«МОСКВА» кинотеатри

30—31/XII — Болалар тўғрисида ҳикоялар.
1—2/I — Максимнинг ёшлиги.
3—4/I — Максимнинг қайтиши.
5—6/I — Виборг томони.
7—8/I — Эртакка ўхшаган воқеа.
9—10/I — Шатакка олинган қиз.

«ДРУЖБА» кинотеатри

30—31/XII — Юкли сайёҳ.
1—2/I — Эртакка ўхшаган воқеа.
3—4/I — Шатакка олинган қиз.
5—6/I — Партизанлар каккуси.
7—8/I — Алёшанинг ови.
9—10/I — Болалар тўғрисида ҳикоялар.

«ВОСТОК» кинотеатри

30—31/XII — Максимнинг ёшлиги.
1—2/I — Максимнинг қайтиши.
3—4/I — Виборг томони.
5—8/I — Эртакка ўхшаган воқеа.
9—10/I — Партизанлар каккуси.

С. РАХИМОВ номли кинотеатр

30—31/XII — Юкли сайёҳ.
1—2/I — Партизанлар каккуси.
3—4/I — Эртакка ўхшаган воқеа.
5—7/I — Алёшанинг ови.
8—10/I — Мандат.

Коллектив бўлиб кўриш учун мактаб ва болалар муассасаларидан талабномалар ҳам қабул қилинади. Сеансларнинг бошланиш вақтини кинотеатрлардан билиш мумкин.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАССАЖИР ТАШИШ АВТОТРЕСТИ

Тошкент автомобиль ўқув комбинати билан биргаликда Тошкент шаҳрида енгил такси ҳайдовчи **3-класс шофёрлари** тайёрлаш махсус курсига **ўзбек қизларидан**

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш бепул, курсга киргандар стипендия билан таъминланади.

Ўқиш муддати **тўрт** ойдан **олти** ойгача. Биринчи группада ўқиш **1967 йил биринчи январдан**, кейинги группаларда эса ўқувчилар **етарли бўлгач бошланади.**

Адрес: Ташгоравтотрест, Пушкин кўчаси, 30 уй, кадрлар бўлими (1, 4, 41 автобуслар, 3-трамвай, 3, 4, 5 троллейбуслар, Асакинская остановкаси), Автоуч-комбинат, Тошкент — 94, Байналмилал кўчаси, 53-уй) 15, 48-автобуслар, «Облисполком» остановкаси, 9, 11 трамвай, «Оқ тепа» остановкаси).

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАРГА

27 ДЕКАБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.00 Ўқув программаси. География. «Ер шарининг аҳолиси». (Ўзбек тилида).

Рус тилида:

18.00 Болалар учун. «Икки қизғанчиқ айиқ боласи. Кинофильм.
18.10 Телевизион янгиликлар.
18.25 «Ташкенткабель» заводига — 25 йил. Репортаж.
18.55 Халқ контроли ҳаракатда.
19.25 «ТАЪҚИБ». Бадиий фильм.
20.35 Эшиттиришлар программаси.

Ўзбек тилида:

20.40 Телевизион янгиликлар.
20.55 Жаҳон бир хафта ичида.
21.15 **«Диққат, телевидение!»** Телефильм.
21.35 **«Ёшлик»** студияси кўрсатади. **«Самарқанд лавҳалари».**
22.05 **Октябрининг 50 йиллиги олдидан. Телевизион театр** — Вали Ғафуров «ВАФОДОР» (II қисм). Танаффус вақтида **Телевизион янгиликлар.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида:

17.00 Ўқувчилар учун «Янги йилни қим, қачон ва қаерда кутиб олади».
17.40 «Бу йилги шахмат мусобақаларининг якуни». Спорт эшиттириши.

Ўзбек тилида:

18.00 Ўқувчилар учун. **«Биз — Ильич набираларимиз».**
18.25 **«Ўрта хонадаги ўлим».** Телевизион бадиий фильм.
18.50 Телевизион янгиликлар.
19.00 «ОПА-СИНГИЛЛАР». Бадиий фильм.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

21.00 Телевизион янгиликлар.
21.20 Бошланғич синфий мактаб тингловчилари учун. «В. И. Ленининг таржимаи ҳоли» (6-эшиттириш). «Реакция йилларида».
22.00 В. Петров. **«Гуллар рақсга тушганда».** Телеспектакль премьераси. Ленинграддан олиб кўсатилади.
23.30 Телевизион янгиликлар.
24.00 Москва эшиттиришларининг охири.

28 ДЕКАБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Қозоқ тилида:

17.00 **«Интернационал дўстлик университети».** Эшиттириш ва концерт.
18.00 Рус тилида телевизион янгиликлар.

Ўзбек тилида:

18.20 **«Қизил галстук».** Телевизион журнали.
19.00 **Б. Раҳмонов.** «ЮРАК СИРЛАРИ». Тўқимачилар саройи бадиий ҳаваскорлари ижросида спектакль олиб кўрсатилади. Танаффус вақтларида телевизион янгиликлар ва қишлоқ хўжалик ҳодимлари учун **«Қувончли якунлар, катта режалар»** деган эшиттириш.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

22.30 Ватан панорамаси.
23.00 Телевизион новеллалар театри. М. Сервантес. **«Икки эзма».**
23.30 Телевизион янгиликлар.
24.00 Бутуниттифоқ телевизион фильмлар, биринчи фестивали лауреатлари — мамлакатимиз студиялари ишлаган телефильмлари.
01.00 Москва эшиттиришларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида:

17.00 Болалар учун. **«Хунук ўрдак».** Мультфильм.
17.25 «Қорбобонинг совғалари». Эшиттириш.
17.50 Қурувчилар учун. Болтиқ бўйи республикалари эстрада куйларидан концерт.
18.20 «Шуҳрат» орденининг биринчи кавалери». Телефильм.
18.40 «Ўзбекистон санъат усталари» — Ўзбекистон ССР халқ рассоми П. Беньков.
19.00 «ҲАЛОК ЭТМА». Телевизион бадиий фильм.
20.15 Телевизион янгиликлар.

Ўзбек тилида:

20.25 «Олимлар лабораториясида». Телефильм.
20.45 Телевизион янгиликлар.
20.55 **«Замондошимиз».** Телеочерк.
21.10 «1918 ЙИЛ». Бадиий фильм.
22.50 СССР халқларининг куйлари.

РАДИОТИНГЛОВЧИЛАРГА

27 ДЕКАБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

16.15 СССР халқ артисти С. Я. Лемешов куйлайди.
18.10 «ЖАҲОН ШОИРЛАРИ ЛЕНИН ВА ОКТЯБРЬ ҲАҚИДА» Радиокомпозиция (ўзбекча).
18.30 Музикали драмалардан парчалар.
19.20 Қорақалпоқ куйлари.
20.00 «Ўзбекистон қурилишларида» деган радиожурнал (русча).
20.45 Илмий-атеистик темаларда эшиттириш (ўзбекча).
21.20 **Қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт.**
22.00 «Дунё воқеалари» (ўзбекча).
22.10 **Ёш артистлар концерти.**
22.40 Ўзбекистон ёзувчиларининг янги асарлари. И. Раҳимнинг «Тақдир» романидан боб (русча).
23.20 **Янги Тошкентни қураётганлар учун концерт.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 Баласанян. Етти арман қўшиғи.
19.30 Ўзбекистон ёзувчиларининг янги асарлари. Исоқ Ўктамовнинг ҳикоялари (ўзбекча).
20.10 Ўзбекистон композиторларининг қўшиқ ва романслари.
20.45 «Юность Узбекистана» радиостанциясининг эшиттириши. (русча).
21.00 Х. Мавлонова ва Р. Толмасов концерти (тожикча).
21.30 Жаҳон халқларининг куйлари.

28 ДЕКАБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 **Радиопостановка ва инсценировкалардан қўшиқлар.**
9.30 Увертюралар.
10.10 Духовой оркестр чалади.
10.30 Ўзбек кинофильмларидан қўшиқлар.
11.10 «КОММУНИСТЛАР ОММА АВАНГАРДИ» деган эшиттириш (ўзбекча).
11.25 **Ёш ижрочилар концерти.**
12.15 — Спорт эшиттириши (русча).
12.30 **СССР халқларининг қўшиқлари.**
13.30 — Ўзбекистон композиторларининг фортопьяно куйлари.
16.15 Ўзбекистоннинг музика маданияти. М. Ашрафийнинг «Дилором» операсининг монтажи.
17.00 — **«ЁШЛИК» радиостанциясининг программаси.**
18.10 Эстрада куйлари.
18.30 Чолғу куйлари.
19.20 Қозоқ куйлари.
20.00 Ўзбек операларидан парчалар.
20.45 «Йил қаҳрамонлари» деган эшиттириш (ўзбекча).
21.20 **Қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт.**
22.00 Коммунистик ахлоқ ва тарбия мавзуларида (ўзбекча).
22.15 Рақс куйлари.
22.40 **Поэзия кечаси.** Ҳамид Гулом ва Шуҳрат шеърлари (ўзбекча).
23.20— **Радио эшитувчиларнинг талабларига мувофиқ концерт.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 . Бутуниттифоқ радиоси ашулачилар ансамблининг концерти.
19.00 Дўстларимиз эстрадаси.
19.30 **Қардош республикалар адабиёти. Ю. Казаков.** «БРЕГЕТ ЗАНГИ»». Радиоинсценировка (ўзбекча).
20.10 **«Ёшлик» радиостанциясининг программаси.** Такрорий эшиттириш.
20.50 «Приморье — романтика ва шавқатли меҳнат ўлкаси». Приморье радиосининг эшиттириши (ўзбекча).
21.00 Тожикистон композиторларининг қўшиқлари.
21.30 Корейс куйлари.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

14.00 Совет композиторларининг симфоник куйлари.
16.00 «МУҚИМИЙ» музикали драмасининг монтажи.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 27/XII да **Майсаранинг иши,** 28/XII да **Марварид изловчилар.**

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА— 27/XII да **Сўнгги нусхалар,** 28/XII да **Король Лир.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 28/XII да **Концерт.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Иштирокчи ҳайвонларни ўргатувчи **Иван Рубан,** ўзбек цирк коллективи ва қизиқчилар группаси.

КИНО театрларда

27 ДЕКАБРДА

Уруш ва тинчлик (2-серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 5 ярим ва 7 яримда).

Қизил яланглик — «ВОСТОК» (кечқурун), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда). САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 9-15 минутда). «МОСКВА» (кеч соат 9-15 минутда).

Осилганлар ўрмони — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», СОБИР РАҲИМОВ номли (кечқурун), «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

Адашган — «ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

Биринчи қўлқоп (тоқ соатларда), **Балли, ҳамшира** (жуфт соатларда) — «СПУТНИК».

Беозор қушни ўлдиринг — НАВОИЙ номли (кеч соат 6-40, 8-20 минут ва 10 да).

Темир ниқоб — «МИР» (кечқурун).

Бабетта урушга боради — «ЎЗБЕКИСТОН» (кечқурун).

Итальянча никоҳ — «МОСКВА» (кеч соат 6 ва 8 да).

Ёш ўқитувчи саргузашти — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 8 да).

Ворис — «ЮЛДУЗ» (кеч соат 7 ва 9 да).

ЁҚИЛГАН ГАЗ ГОРЕЛКАЛАРИНИ ҚАРОВСИЗ ҚОЛДИРМАНГ!

Газ турмушда катта қулайлик беради, лекин газ асбоблари билмасдан ишлатилса, ёнғин чиқишга ва заҳарланиш ҳодисаларига сабаб бўлиши мумкин.

Газ асбобларидан фойдаланиш қоидаларига қаттиқ риоя қилиш, газ асбобларини санитария ва техника жиҳатидан тузук ҳолатда тутиш лозим.

«Ташпромкоммунгаз» трестининг рухсати бўлмасдан, газ асбобларини ўрнатиш ёки бошқа жойга кўчириш тақиқланади.

Абонент газдан фойдаланиш қоидаларини ҳа деб бузаверса ва эксплуатация конторасининг кўрсатмаларини бажармаса, газ тармоғидан узиб қўйилади.

Янгидан қурилган, қайтадан ускуналанган ёки ремонт қилинган газ трубалари ва газ асбобларига газни фақат «Ташпромкоммунгаз» трести беради.

Профилактик-слесарлар газ асбобларига қараб туриш ишларини бажарган вақтда, газ асбобларининг айрим деталларининг ҳам алмаштирадилар (агар бу нарса техника жиҳатидан зарур бўлса).

Газ асбоблари турган хонада газ ҳиди сезилса, «Ташпромкоммунгаз» трестининг авария хизматига 2-26-20, 5-26-21-телефон орқали мурожаат қилинг.

Авария бригадаси келиб етгунча газ асбобларини ишлатманг, ҳеч қандай электр асбоблари ва чироқларни ёқманг, гугурт чақманг, чекманг, газ асбоби кранини ёпинг, дераза ва эшикларни очиб, хонани яхшилаб шамоллатинг.

ШАҲАР ВОДОПРОВОДИ ВА КАНАЛИЗАЦИЯСИ

Абонентлари, қурилиш ташкилотлари, корхоналар ва муассасалар

ЭЪТИБОРИГА!

Водопровод ва канализация тармоқларини ишга тушириш муҳаллий саноат ва коммунал хўжалик ишчилари касаба союзи Марказий Комитети президиуми тасдиқлаган **«Техника хавфсизлиги қоидалари»га** қатъий амал қилган ҳолда олиб борилсин.

Водопровод қудуқларига **«Водоканал»** трести ходимларидан ташқари кишиларнинг тушиши қатъий ман этилади, чунки бу қудуқларда заҳарли газ бўлиб, инсон учун зарарлидир.

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ҲАМДА ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Узбек тилида чиқадиган

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

ва рус тилида чиқадиган

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

НОМЛИ КЕЧКИ ГАЗЕТАЛАРГА ТУРЛИ ХИЛ

ЭЪЛОНЛАР

ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бирлашган нашриёти. 3-қават 41-хона (якшанба кунларидан бошқа ҳар куни кундузсат 2 дан 4 гача).

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 4 бет

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар, Киров кўчаси, 22-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: коммутатор 83-02-49 дан 83-02-58 гача. Қўшимча телефонлар: секретариат ва иллюстрация бўлими — 5-62; партия, совет ва касаба союз ташкилотлари бўлими — 3-66; саноат, қурилиш ва шаҳар хўжалиги бўлими — 3-66; адабиёт санъат ва маданият бўлими — 7-83; фан, олий ўқув юртлари ва мактаблар бўлими — 7-83; физкультура ва спорт бўлими — 3-79; Ахборот бўлими — 3-78; (шаҳар телефони 83-65-57); хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 3-79; эълонлар бўлими — 5—07 (шаҳар телефони — 83842).

27 ДЕКАБРЬ, 1966 Й. Р. 06949. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр. Г. 2934.